

## АЖРИМ

(ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш  
ва жиноят ишини тугатиш ҳақида)

2023 йил июнь ойининг 06 куни, Фарғона вилояти жиноят ишлари бўйича Қувасой шаҳар суди, суднинг биносидида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи Р.Зарипов, И.Тўхтауновнинг котиблигида, давлат айбловчиси – Қувасой шаҳар прокурори ёрдамчиси М.Хосилжонов, вояга етмаган жабрланувчи Ҳ.Назарованинг қонуний вакили Назарова Азизахон Ахматджонова, судланувчи Хошимов Шохрух Азаматжон ўғли ва унинг ҳимоячиси Д.Эралиеванинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисми билан айбланган Ш.Хошимовга оид 1-1513-2301/238-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Хошимов Шохрух Азаматжон ўғли (Xoshimov Shoxruh Azamatjon o'g'li) - 2000 йил 25 июнда Охунбобоев туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, ишламайди, оилали, муқаддам судланмаган, Қўштепа тумани, Қизилой м.ф.й., Мусаффо кўчаси, 144-уйда яшайди, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2023 йил 08 май куни олган.

Суд, судланувчи ва вояга етмаган жабрланувчи қонуний вакилининг аризаларини муҳокама қилиб, иш бўйича тўпланган далилларни суд мажлисида текшириб, қуйидагиларни

### аниқлади:

Дастлабки тергов органининг қарорига кўра Хошимов Шохрух Азаматжон ўғли 2023 йил 01 апрель куни соат 12-20ларда Б.Акбаровга тегишли “Damas” русумли, давлат белгиси 40E817BA бўлган транспорт воситасини Марғилон шаҳар, Б.Марғилоний кўчаси бўйлаб бошқариб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги 172-сонли қарори билан тасдиқланган “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 2-боб 11-банди “г” кичик банди, 11-боб 77-банди талабларига риоя қилмасдан, пиёдалар йўлакчасидан йўлни кесиб ўтаётган 2014 йилда туғилган, вояга етмаган пиёда Ҳ.Назаровани автомашинанинг олди томони билан уриб юбориб, йўл-транспорт ҳодисасини содир этган. Натижада вояга етмаган Ҳ.Назарова олган тан жароҳатлари билан шифохонага ётқизилган.

Суд-тиббий экспертизасининг 2023 йил 10 апрелдаги 971-сонли хулосасига кўра, Ҳ.Назаровада аниқланган ёпиқ калла-мия шикасти, бош мия моддасининг лат ейиши, сабарахноидал қон қуйилиши, бурун суяқларининг ёпиқ синиши, юқори ва пастки жағларида жами уч дона тишларнинг пастравматик синишлари, иккала кўз юқори ва пастки қовоқлари, ўнг болдир соҳасидаги қонталашлар ва юмшоқ тўқималарининг лат ейиши соғлиқнинг узок (йигирма бир кундан кўп) муддатга бузилишига сабабчи бўлган ўртача оғир шикастлар тоифасига кириши кўрсатилган.



Вояга етмаган жабрланувчининг қонуний вакили А.Назарова судга ариза билан мурожаат қилиб, Ш.Хошимов билан ихтиёрий равишда ярашиб олганлигини, вояга етмаган фарзандининг олган тан жароҳатлари туфайли етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, даъвоси йўқлигини, ярашув оқибатлари унга тушунтирилганлигини, унга нисбатан ҳеч ким тазйик ўтказмаганлигини билдириб, жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

Судланувчи Ш.Хошимов судга ариза билан мурожаат этиб, айбига тўлиқ иқрорлигини, чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчининг қонуний вакили А.Назарова билан ихтиёрий равишда ярашиб олганлигини билдириб, ўзига нисбатан жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасига кўра, мазкур Кодекс 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс ўз айбига иқрор бўлиб, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 84-моддасининг 4-қисмига кўра, жабрланувчи Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда, жиноят иши суд томонидан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмай тугатилиши мумкин.

Иш ҳужжатлари ҳамда судда аниқланган ҳолатларга кўра, Ш.Хошимов ўз айбига ихтиёрий иқрор бўлиб, вояга етмаган жабрланувчининг қонуний вакили А.Назарова билан ярашган, етказилган моддий зарарни ихтиёрий бартараф этган. Судланувчи Ш.Хошимовга нисбатан юритилган жиноят ишини тугатишга монелик қиладиган ҳолатлар мавжуд эмас.

Шунга кўра ҳамда судланувчи Ш.Хошимов ва вояга етмаган жабрланувчининг қонуний вакили А.Назарованинг ярашув аризаларини ўрганиб чиқиб, прокурор ва ҳимоячининг жиноят ишини ярашув асосида тугатиш ҳақидаги хулосасини тинглаб, мазкур жиноят ишини ҳаракатдан тугатиш учун монелик қилувчи ҳолатлар мавжуд эмаслиги боис, суд, томонларни ярашганлик ҳақидаги аризаларини қабул қилиб, жиноят ишини тугатиш лозимлиги ҳақида тўхтамга келди.

Бундан ташқари, суд, ЖПК 583-моддасининг 5-қисми талабларидан келиб чиқиб, вояга етмаган жабрланувчининг қонуний вакили А.Назаровага суд ярашувни тасдиқлаганидан сўнг улар томонидан мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқотилгани ҳақида тушунтириб ўтилганини инобатга олишни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84, 582, 583, 585-586-моддаларига асосланиб, суд,

#### **ажрим қилди:**

Хошимов Шохрух Азаматжон ўғли Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан жавобгарликдан озод қилинсин ҳамда унга нисбатан Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисми билан юритилган жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.



Ш.Хошимовга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Вояга етмаган жабрланувчининг қонуний вакили А.Назаровага етказилган моддий зарар қоплангани ҳамда унга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида у томонидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқотилгани ҳақида тушунтириб ўтилгани инобатга олинсин.

Ажрим устидан судланувчи (гумон қилинувчи), жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), уларнинг қонуний вакиллари, ҳимоячи томонидан йигирма сутка ичида хусусий шикоят берилиши ҳамда прокурор томонидан шу муддатда хусусий протест келтирилиши мумкин.

**Раислик қилувчи**

**Р.Зарипов**

